

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!



asr

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

23-noyabr 2023-yil 47 (1045)



www.21asr.uz



@XXLasr_yangiliklari



XXLasrgazetasi



xxi_asr@mail.ru



asr_xabarlari_news

“XXI ASR” SHARHI



СУРХОНДАРЁГА ТАШРИФ:

САЛОҲИЯТ БОР, ИМКОНИЯТ ҲАМ, ЛЕКИН...

Вилоятнинг иқтисодий имкониятлари катта. Ерости ва ерусти бойликлари кўп. Энг муҳими, мард ва меҳнаткаш халқи бор. Модомики, янги иш ўринлари очилиши орқали доимий даромад манбаи яратиши, инвестиция ва экспорт кўрсаткичларини кARRасига ошириши учун белни маҳкам боғлаб астойдил ҳаракат қилиш вақти келди.

Ўзбекистон харитасига разм солган кишининг диққатини жанубдан Афғонистон, шимоли-шарқдан Тожикистон, жануби-ғарбдан Туркменистон билан бевосита чегарадош ҳудуд дарров ўзига жалб қилиши табиий. Жами 20,1 минг километр-квадрат майдонга эга воҳанинг икки ёнини Ҳисор тоғ тизмалари ўраб туради. Тобора ривожланиб бораётган Сурхондарёнинг аҳолиси ҳам кейинги йилларда сезиларли равишда ўсиб, 2 миллион 822 минг нафарга етди.

Мамлакатимизнинг энг баланд нуқтаси – 4643 метрлик Ҳазрати Султон чўққиси шу томонда жойлашгани эса ўзига хос ғурур-ифтихор ифодасидир.

Одамлардаги тантаниқ пурвиқор қоялардан, мустаҳкам таянчдан куч олаётгандай таассурот қолдиради.

Алпомиш дostonида қуйланган Бойсунтоғ, Боботоғ, Кўхитантоғ дея аталмиш қутлуғ замин қуввати туфайли полвонлар юрти сифатида танилган маконда азалдан ислом оламида машҳур авлиёлар яшаб ўтган. Шундай буюк олимлардан бири, шубҳасиз, Ҳаким ат-Термизийдир.

Президентимизнинг навбатдаги ташрифи ана шу муҳтарам зотнинг мақбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Қуръони карим оятлари тиловат этилиб, Аллоҳдан халқимизга, юртимизга тинчлик-фаровонлик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик тилаб дуолар ўқилди.

Шавкат Мирзиёев уламолар билан суҳбатда бугун дунёда турли низо ва урушлар бўлаётгани, беғуноҳ инсонлар қони тўкилаётганини афсус билан қайд этди. Юртимиздаги осойишталик қадрини янада теран англаб, шукроналик руҳини уйғотиш, хотиржамлик неъматининг аҳамиятини, Термизий каби боболаримиз илм-маърифатини ёшларга етказиш муҳимлигини таъкидлади. Термиз шаҳрида айни шу масалаларнинг моҳиятига бағишланган илмий конференция ўтказиш таклифини билдирди.

3

БИЗНИ ҚУТЛАЙДИЛАР



Ҳурматли Ақтам Хаитов,

Сизни ва партиянгиз аъзоларини Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (O'zLiDeP) таъкидлаётганининг 20 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Ҳар томонлама ривожланиб, порлоқ келажак сари дадил одимлаётган қардош Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлида O'zLiDePнинг қўшган ҳиссаси беқиёс. Партиянгиз сафи жадал кенгайиб бораётгани, сайловларда кетма-кет ғалаба қозонаётгани Ўзбекистон халқининг O'zLiDePга бўлган юксак ишончидан далолатдир.

Давлатларимиз раҳбарлари раҳна-моллигида Озарбойжон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги



муштарак тарихий илдишларга ва ўзаро ҳурматга асосланган самимий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари муваффақиятли ривожланиб бораётгани таъсирга сазовор.

Ўзаро саъй-ҳаракатларимиз билан

давлатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган партиялараро алоқаларимиз янада мустаҳкамланишига ишонаман.

Сизларни ушбу муҳим кун билан яна бир бор табриклаб, партиянгизга янги ютуқлар, юртингизга тинчлик ва тараққиёт, қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

“Янги Озарбойжон” партияси раиси ўринбосари – Марказий аппарат раҳбари Т. Будагов

ТОҶИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН

БОШ МУҲАРРИРГА МАКТУБ

Ўзбекистон ҳақида кўп ёзганман. Ёзганларим Тожикистон ва Ўзбекистон матбуотида ҳам, Европа оммавий ахборот воситаларида ҳам чоп этилган. Лекин бу юрт олдидаги қарзимни узганим йўқ. Норқобил, дўстим, Сизнинг “XXI asr” газетасида босилган “Энди меҳмон эмасмиз...” сарлавҳали мақолангиз билан танишганимдан сўнг ўйлиниб қолдим: мен-чи, бу юрт олдидаги қарзимни уза олармиканман!

Сиз Тожикистонда уч мартагина бўлиб, завқу шавққа тўлиб, дил сўзларингизни қоғозга тушириб, эл билан бўлишибсиз. Энди тасаввур қилинг: умрининг анчагина қисми Ўзбекистонда ўтган, Тошкентда беш йил тахсил олган, йиллар давомида “Халқ сўзи” газетасида фаолият юритган, “Олтин қалам” мукофотига муносиб кўрилган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган ҳамкасбингизнинг қардош мамлакат ҳақидаги таассуротлари қоғозга сиғармикан? Айниқса, ҳар келганимда мислсиз ўзгаришлари билан мени ҳайратга солаётган Янги Ўзбекистон ҳақидаги кечинмаларим учун қоғоз етармикан?



Тўғри, Сиз маълум муддат қандай қилиб Тожикистонга бора олмай қолган бўлсангиз, мен ҳам минг-минглаб юртдошларим каби Ўзбекистонни соғиниб яшадим. Фақат баъзан Душанбега бориш-қайтишни ҳисоблаганда 600 қақиримга яқин йўл босиб, виза олишга муяссар бўлганимдагина, Тошкентни, дўстларимни кўриш имкониятини топа олардим.

Билмадим, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг, Сиз таъкидлаганингиздай, чинакам тарихий қадамлари, кучли сиёсий иродалари, яхши кўшинчиликни тилда эмас, амалда тиклаш учун тинмай интилишлари бўлмаганида, мен ҳам иккинчи юртимдан айро яшайверармиким?

Дўстим, мен чегаралар қайта очилганда Фарғона ва Сўғд вилоятларини, Бешарқ ва Конибодомни боғлаб турувчи Патав-Андархон чегара-ўтказиш масканига борганман. Икки томонга ўтаётган тумонат одамни кўриб, ичим йиғлаган. Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидованинг қизлари қутлиммаганда дунёдан ўтганида Кўқонга таъзияга бориш учун акам, мен, янгам ва аёлим – тўртовимиз темир панжара олдида беш соатгача андуҳ ва алам билан турганимизни эслаганман. Қўлимизда шошилинч-нома-телеграмма билан...

Чегара очилган кунни Бешарққа кетаётган отахон “Саккиз йилда қизим ва невараларим дийдорини кўрмоққа муяссар бўлдим, Бешарқда тўй қилиб бераман”, деб йиғлади. Бешарқлик эллик ёшлардаги киши бир йил олдин дунёдан ўтган тоғасининг фотиҳасига Конибодомнинг Кўчак қишлоғига келаяётганини айтиб, киприклари нам бўлганида ёнидаги беш опа-сингилсининг кўз ёшлари дарёдай оқди...

Ўша кундан бошлаб ҳозиргача икки давлат раҳбарларига Аллоҳдан узоқ умр, мустаҳкам соғлик тилаб дуога кўтарилаётган миллион-миллион қўллар орасида менинг ҳам қўлим бор...

Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда халқ бахту саодати, мамлакатнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган янги-янги ўзгаришларни, бунёдкорлик ишларини кўряпман. Бу гал мен жонажон ўлканинг илгари кўрган бўлсам-да, яна соғинган ва узоқ йиллар ана бир кўриш оразм бўлган қадимий шаҳрларига саёхатимдан сўнг менга тинчлик бермаётган ҳайрату ҳаяжонларимни қаламга олишга жазм этдим.

6

XXI ASRNING 24-ЙИЛИДА
ҲАМ “XXI asr”
БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

ОБУНА 2024



Обуна индекси – 406.
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

БЮДЖЕТДАН АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАР

УЛАРДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ, МАЪЛУМОТЛАРНИ ХАЛҚҚА ОЧИҚ-ОШКОРА
ЕТКАЗИШ ДАВР ТАЛАБИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетни тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди. Лойиҳа қизғин, муҳокамага бой тарзда ўтди. Айнқса, бюджет, солиқ сиёсатида доир масалалар депутатларнинг эътиборида бўлди.



Қайд этилганидек, жаҳонда кечаётган мураккаб жараёнлар, иқтисодий, халқаро логистика хизматлари, молия ва товар бозорларидаги беқарорлик ва бошқа қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти жорий йилда ҳам юқори иқтисодий ўсиш суръатларида ривожланмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимиз иқтисодиёти келгуси 2024 йилда ҳам ўсиш траекториясини давом эттириб, 5,6-5,8 фоизга юқорилаши кутилмоқда.

2024 йилга мўлжалланган давлат бюджетни лойиҳаси ижтимоий ва иқтисодиёт соҳаларида барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Энг асосийси, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон 2030" стратегиясидаги ғояларни молиялаштириш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳада консолидациялашган бюджет даромадлари 375 триллион сўмни ташкил қилади. Уларни жамлаш жараёнида жамиятимизга ва энг муҳими, партия электорати бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонларга ортқча юк шакллантирилмаган. Депутатларнинг

фикрича, бюджет лойиҳасида таклиф этилаётган солиқ ва божхона сиёсати тўғри танланган, асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдирилган. Лойиҳа солиқ базасини кенгайтириш ва маъмуриликни такомиллаштиришга қаратилган.

Бюджет лойиҳасида "Ўзбекистон 2030" стратегиясида белгиланган мақсадларни амал-

ийғимнинг табақалаштирилган ставкалари таклиф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс марказидан ўқувчи ёшларга кечаю кундуз фойдаланиш имкониятини яратиш учун марказнинг харажатларини ошириш таклифи ҳам берилган эди. Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ўқувчи ёшларга кутубхонадан кечки вақтда фойдаланиш учун қўлай шароит яратиш мақсадида ушбу марказ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармаси харажатлари кўпайтирилди.

О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг фикрича, бюджетдан ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва уларнинг натижадорлигини таъминлаш – бугунги давр талаби. Бу борадаги маълумотларни халққа очик-ошқора, шаффоф етказиш эса давлат идоралари олдидаги асосий вазифалардан бирига айланиши лозим.

О'зЛиДеР ўз дастурий вазифаларида иқтисодиётнинг юқори ва барқарор суръатларда ўсишини таъминлаш, барча соҳаларни изчил ривожлантириш, хусусий бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, аҳоли фаровонлигини тез суръатларда юксалтириш сиёсати давом эттирилишини муҳим деб ҳисоблайди.

Депутатлар шундан келиб чиққан ҳолда ва 2024 йилга мўлжалланган давлат бюджетни партия электорати манфаатлари асосида ҳар томонлама таҳлил қилиб, иқтисодиётнинг модернизациялашни рағбатлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини эътироф этишди.

Қайд этилдики, О'зЛиДеР фракцияси Ўзбекистон иқтисодиётининг прогноз кўрсаткичлари доирасида ўсишига эришиш учун макроиқтисодий ва бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган ташқи ва ички таъсирларга мослашувчан фискал сиёсат олиб борилишини қўллаб-қувватлайди.

Фракция аъзолари кун тартибидаги масалалар юзасидан тақдим этилган маълумотлар ва савол-жавоблардан келиб чиқиб, келгуси йил учун давлат бюджетни лойиҳасини маъқуладилар.

Муҳбиримиз

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ



ДЕПУТАТ НАМУНА БЎЛДИ

Озод юртимизда шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш халқимиз саломатлигини муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасидан кўзда тутилган мақсад ҳам чор атроф мусавволигини сақлаб қолли, ҳудудларнинг қиёфасини гўзаллаштириш ҳамда аҳолини кўпроқ мева-дархат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилашдан иборатдир. Бу хайрли ишга ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшган тақдирдагина табиат гўзаллигини асраб қоламиз.

Қарши давлат университетининг академик лицейи директори, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати Исмигул Хушмуродова 20-Дашт сайлов округи ҳудудига қарашли қишлоқларда яшаётган кам таъминланган оилаларга мева-дархат кўчатлари етказиб берди. Шунингдек, халқ вакили Қамаш туманидаги ўзи тахсил олган 24-мактабда ўқув мазоми жамоаси ва ўқувчилар билан мулоқотда бўлиб, ўз номига муносиб “Яшил макон” лойиҳасидан кўзланган мақсад хусусида атрофли-ча сўзларкан, барчани ушбу хайрли ишда фаол қатнашишга чақирди. Мактаб ҳовлиси ва атрофларга 250 туп ўрик, бодом ва бошқа турфа хил мева-дархат кўчатлари ўтказишда фаол қатнашди.

– Вилотимизнинг барча ҳудудларида айни пайтда

кузги кўчат экиш мавсуми аҳилик билан давом этапти, – дейди вилоят кенгаши депутати, Қашқадарё вилоят кенгашининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси раиси И. Хушмуродова. – Бу умумхалқ ишида партияимиздан сайланган депутатлар ҳам фаол қатнашишяпти. Насиб этса, 2024 йил якунига қадар воҳамизнинг ҳар бир туманида 3 гектардан 15 гектаргача бўлган майдонда яшил боглар вужудга келади.

Партияимиз вакили ёшларни китобхонликка даъват этиш асосида аълочи ўқувчилар ва мактаб кутубхонасига энг сара асарлардан иборат илмий, бадиий, тарихий асарлар жамланмасини ҳам ҳада қилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ТАДБИР

МОНОМАРКАЗДА МУЛОҚОТ

О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ҳамда Яшнобод туман кенгаши ташаббуси билан “Ишга марҳамат!” мономарказида депутатлар, партия фаоллари, хотин-қизлар иштирокида “Бунёдкор аёллар” лойиҳаси доирасида “Тадбиркор аёллар – юртимиз таянчи” мавзусида тадбир ташкил этилди.

Йиғинда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 25-мақсадида кўзда тутилган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш” борасидаги устувор вазифалар ҳамда 29-мақсад – “Фуқароларнинг давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш” тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирни пойтахтимиздаги “Ишга марҳамат!” мономаркази директори, О'зЛиДеР Сергели туман кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Айгул Сатторов ва очиб берар экан, аввало, мазкур марказнинг фаолияти ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-ҳунарга, тадбиркорликка ва хорижий тилларга ўқитиш, шунингдек, белгиланган тартибда хорижга вақтинча ишга жойлаштириш учун кетаётган фуқароларни олдидан мослаштириш ва бошқа вазифалардан иборат эканлигини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг янги ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, барча жаҳаларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлудхон Ҳўжаева “Аёллар қаноти” томонидан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳа-



лар ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига атрофлича тўхталди. Айнқса, ижтимоий ҳимоя тизимида мутлақо янги йўналиш – хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, ижобий ҳал этиш учун “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” жорий этилгани, эҳтиёжмандларнинг уй-жой таъминоти, яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларида давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан 30 дан ортқ фармон ва қарорлар ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинганини ҳам батафсил шарҳлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Гулшана Худоёрова сўзга чиқиб, жамиятимиз ривожда муҳим ўрин тутувчи қатлам бўлмиш хо-

тин-қизларга оид айрим муаммоларни бартараф этиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш йўлида олиб борилаётган чора-тадбирлар кўлами тобора кенгаёётгани хусусида гапирди.

Партиянинг Яшнобод туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Муҳайё Алимova “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсад-вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва бу борада амалга оширилаётган амалий ишлар ҳақида ахборот берди.

Учрашув якунида партияга аъзо бўлиш истагини билдирган “Ишга марҳамат!” мономаркази ходимларидан 10 нафарига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати

ДЕПУТАТ КўМАГИ



МУАММО ҲАЛ, ДУО МЎЛ

Бутун республикада бўлгани каби Шайхонтоҳур туманида ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қизғин давом кетмоқда. Ижтимоий объектларни мавсумга тайёрлаш ишларида Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

О'зЛиДеРдан сайланган депутат Абдуазиз Абдуразоқов 13-умумтаълим мактабида болаларга спорт билан шуғулланиш учун муносиб шароит яратишни мақсад қилиб, спорт залини тўлиқ таъмирлашни ўз зиммасига олган эди.

Ваъда ваъда-да! Уни бажариш вожиб. Мактабнинг спорт зали эскириб кетган, таъмирга муҳтож эди аслида. Ана шулар ҳисобга олиниб, тайёргарлик кўрилди. Аввало депутат ҳомийлиги остида спорт залининг ёғоч эшиклари замонавийсига алмаштирилди. Ўғил ва қиз болалар учун алоҳида ювиниш, кийиниш хоналари таъмирланди. Иссик ва совуқ сув қувурлари соз ҳолатга келтирилди.

Фақат бугина эмас, халқпарвар ноиб ўзи сайланган 2-Кохота округи аҳлининг юрагига қулоқ солишни инсонийлик бурчи деб билади. Қўлидан келганча одамларга қулайлик яратиш учун бор имкониятини ишга солади.

Аҳоли билан мулоқотлари давомида Кохота маҳалласининг Қошиқчи ва Аэроплан кўчаларида газ босими пастлигидан хабар топган эди. Ўрганиб кўрсак, ҳақиқатдан шундай. Муаммони бартараф қилмаса бўлмади. Қиш-қировли кунларда совуқ забтига олса, иссиқ жоннинг сирқираши, кейин иситмалашни кундай равшан. Бу ёғи рўзгор, пишир-қуйдир дегандек. Ҳаммаси истаимизми-йўқми, газсиз бўлмайди.

Тегишли идораларнинг масъуллари билан маслаҳатлашилди, чора топилди. Зулфияхоним кўчасидаги газ узатиш мосламасидан номи зикр этилган кўчаларга қўшимча қувур тортиб берилса кифоя. Шундай қилинди ҳам!

Эндиликда кўнгиллар хотиржам. Қариялар қўлларини кўтариб дуо қилишди: “Умрингдан барака топ, болам”.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” муҳбири

СУРХОНДАРЁГА ТАШРИФ:

САЛОҲИЯТ БОР, ИМКОНИЯТ ҲАМ, ЛЕКИН...

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

ТИНЧЛИК – БЕБАҲО
НЕЪМАТ

Ташрифнинг кейинги манзилидаги мулоқот ва муҳока-малар юқоридаги суҳбатнинг мантикий давоми бўлди, де-сак муболаға қилмаймиз. Зотан, амал ниятга боғлиқ, деган халқона ҳикмат ҳам бежиз келтирилмаган. Авлиёлар ҳузу-рида кўнгилга эзгуликни туйиб, Ватан ҳимоясида шижоат кўрсатишимиз, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминла-шимиз, ажодлардан мерос бўлган аҳилликни кўз қора-

ОЧИЛМАГАН
ХАЗИНА

Инсонда илдам интилиш бўлсин экан. Ғайрат сўнма-син экан. Азму шижоат тўхтамасин экан. Ташаббускор-лик ўлмасин экан. Шунда унгагина унар, битмагани битар экан. Бойсун туманидаги “Мустақилликнинг 25 йиллиги” газ-кимё мажмуаси шу фикрга яққол далилдир.

Бу ерда улкан газ кони борлиги бир неча ўн йиллар аввал аниқланган. Аммо кимдир ҳудуднинг географияси мураккаблиги чўчитган бўлса, бошқа бир мутахассис ўз ха-вотирини илғор технологияларнинг йўқлиги билан изоҳлаб



чиғидай асрашимиз шарафли вазифа саналади. Ҳуқуқий тилда айтганда, бу ҳар бир фуқаронинг конституцион бур-чидир.

Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаёт-ган кенг кўламли ислохотлар қўшинларнинг жанговар са-лоҳияти ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Сурхондарё вилоя-тида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирини кўздан кечи-рган Президентнинг эътиборидан ҳеч қайси жиҳат четда қолмади.

Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанго-вар тайёргарлигини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқув бинолари, маънавият ва маърифат хона-лари, спорт зали энг замонавий техника ва ускуналар бил-лан жиҳозланган. Давлат раҳбари чегарани қўриқлашда қўлланилаётган замонавий техника ва қурол-аслаҳалар-нинг имкониятлари билан қизиқди. Учувчисиз учиш аппа-ратларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Бундай аппа-ратларни ишлаб чиқариш масалаларини мутасаддилар билан атрофлича муҳокама қилди.

Олий Бош қўмондонга Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш ва моддий-техник базасини мус-таҳкамлаш, шахсий таркибнинг шайлиги, замонавий қу-рол-аслаҳалар, учувчисиз учиш аппаратларини бошқариш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича амалга оши-рилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Элнинг осийшталлигини таъминлашнинг устувор йўна-лишлари қўриб чиқилган мулоқот якунида “Bayraktar TB2” разведка-зарба учувчисиз учиш аппаратининг парвози на-мойиш этилди. Ушбу қурилма айна пайтда жаҳон миқёсида илғор техникалардан бири эканлиги эътиборга молик. Му-дофаа салоҳиятини оширишда унинг ўрни ўзгача. Давлати-миз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ҳарбий қисм-ларга ана шундай техникалар етказиб берилаётгани армия қудратини намоиш этиши баробарида юрт муҳофазаси ишончли қўлларда эканини амалда тасдиқлайди. Одамлар хотиржам ухлашига, каттаю кичикнинг ҳаловатига замин яратди.

келган. Учинчи тараф эса сарфланиши мумкин бўлган жу-да катта маблағни ҳеч ким бермаслигини ўйлаб ўзлашти-ришга ботинолмаган. Очиги, инвесторларни ишонтиришда, сармоя жалб қилишда суस्ताшлик қилинган.

Гапнинг дангалини айтганда, фақат Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси туфайлигина бу борада амалий қадамлар ташланган. Давлатимиз раҳбари 2019 йил апрель ойида Бойсунга бориб, дастлабки қиди-рув ва техник-иқтисодий асослар билан шахсан танишади ва ўша йилнинг декабрь ойидаёқ келажаги порлоқ заводни қуриш ишларини бошлашга топшириқ беради.

Халқимизнинг эртанги ёруғ келажаги йўлида ҳамиша ёниб яшаётган етакчи улкан лойиҳанинг инвестиция маса-лаларини ҳам ўзи ҳал қилади. Ким шунча пул беради дегув-чилар очикчасига қойил қолади.

Шу тариқа “Surhan Gas Chemical Operating Company” хорижий корхонаси томонидан қиймати 2,9 миллиард дол-ларлик лойиҳани амалга оширишга киришилади. Мажмуа йилга 5 миллиард метр куб газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

Ҳозиргача конни ўзлаштиришга 1 миллиард 450 мил-лион долларлик сармоя йўналтирилиб, 20 та қудуқда бурғулаш ишлари якунланган. 11 та газ қудуғи синовдан муваффақиятли ўтган. Пойдевор ишлари ва металл кон-струкциялар қуриш жараёни ниҳоясига етай деб қолди.

Заводнинг лойиҳалари ва қурилиши “Shell” компа-ниясининг лицензияланган технологиялари асосида олиб боришмоқда. У энг илғор экологик талабларга мос бўлиб, ишлаб чиқаришдаги зарарли қишқиларни 99 фоиз зарар-сизлантириш имкониятига эга. Бундай ускуналар МДҲ дав-латлари ичида биринчи бор ушбу заводга ўрнатилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, завод электр энергияни ҳам ўзи ге-нерация қилади, ҳам туман аҳолисига етказиб беради.

Президент шу ерда геологик қидирув ва сейсмик тадқиқот ишлари якунлари билан танишди. Инвесторлар, конни ўзлаштиришда қатнашаётган мутахассис ва қурув-чилар билан суҳбатлашди.

– Асосий мақсад газни хомашё ҳолатида сотиш эмас, уни қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар олиш бў-

лиши лозим, – деди Шавкат Мирзиёев. – Инвестиция тез вақтларда ўзини оқлаб, завод рақобатбардош бўлиши учун охириги маҳсулот сифатли ва юқори даромадли бўлишига эришиш керак.

Нафақат Сурхон аҳли, бутун Ўзбекистоннинг фаҳрига айланадиган мажмуа Бойсун шаҳридан 20 километр узоқда жойлашган. Айна пайтда унинг қурилишида 7 мингдан ор-тиқ киши, махсус техникалар ишламоқда. Лойиҳанинг би-ринчи босқичи келгуси йил май ойида ишга туширилади. Орадан яна бир йил ўтмай, у тўла қувватга чиқиши режа-лаштирилган. Сурхондарёдаги энг йирик саноат корхона-ларидан бири бўладиган заводда 1050 киши юқори даро-мадли иш билан таъминланади.

– Бойсуликлар ўз туманида шундай улкан завод қу-рилгани, минглаб янги иш ўринлари пайдо бўлганини сези-ши керак, – деди Президент. – Энди бу мажмуа атрофида турдош соҳаларни ривожлантириш лозим.

Қийинчиликлардан қўрқмасдан қилинган ҳаракат ян-ги ютуқларга қорлаётгани диққатга сазовор. Гап Бойсун туманидан топишган яна бир кон – ёнувчан сланец кони-ни ўзлаштириш лойиҳаси ҳақида кетмоқда. Мутахассислар шу ернинг ўзида унинг тақдиротини ўтказишгани, ёнувчан сланецдан электр энергияси, нефть ва газ олиш имконият-лари ҳақида сўз юритишгани журналистларни ҳам қувон-тирди.

ТАДБИРКОР ЁШЛАР
– ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МАҲСУЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги қарорига мувофиқ, барча ҳудудларда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилмоқда. Бу эса навқирон авлоднинг ўз бизнесини бошлаши ва маро-мида юритиши учун қулайлик яратаетир.

Термиз шаҳрининг Тинчлик маҳалласи ҳудудида ҳам шундай шароит ташкил этилди. 2 гектар майдондаги бино-ларда жами 42 та лойиҳа жойлаштирилди. Улар қурилиш материаллари, кимё ва нефть-кимё, мебелсозлик, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатига тааллуқли. Биноларни ха-рид қилиш, ускуналар олиб келиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан имтиёзли кредитлар тижорат банклари орқали ажратилади. Барча корхоналар ишга тушгач, 500 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари бу ерда жойлаштирилган кор-хоналар маҳсулотларини кўздан кечирди. Улардан бири



анор шарбатини қадоқлаб, қўшни давлатларга экспорт қилмоқда. Яна бири кийим ва гилам тўқишни йўлга қўйиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаган.

– Бугунги тадбиркор ёшлар – Янги Ўзбекистон маҳ-сули, – деди Шавкат Мирзиёев. – Уларнинг билими ҳам, интилиши ҳам янги. Шунинг учун саноат зоналари-ни ёшларнинг ўзига бериш керак. Бу туманлар учун тай-ёр “лойиҳалар фабрикаси” бўлади. Мутасаддилар фақат корхоналарни инновацияга ўтказишга, бозорга чиқишга кўмаклашиши керак. Бунда асосийси – таннарх, сифат ва рақобатдир.

Сурхондарё вилоятга умумий қиймати 4 миллиард 600 миллион долларлик 82 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг 4 миллиард доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир. Энергетика, кимё, тоғ-кон, қу-рилиш материаллари, тўқимачилик ва бошқа саноат тар-моқларидаги бўй лойиҳаларда қўшимча қийматли маҳсулот-лар, ўн минглаб иш ўрни яратилади.

Ҳудуд изчил ривожланмоқда. Олдинда режалар, им-кониятлар ҳам кўп. Хусусан, 3 миллиард 300 миллион дол-ларлик 4 та янги йирик саноат лойиҳаси шакллантирилган. Булар ҳисобига вилоят иқтисодийотига йилга 6,5 триллион сўм, бюджетига 1,6 триллион сўм, экспортига 100 миллион доллар қўшилади, 2 мингта юқори даромадли иш ўрни очи-лади. Жумладан, Бойсундаги қарийб 3 миллиард доллар-лик газ-кимё мажмуасида йилга 5 миллиард куб метр газ тозаланиб, 6 триллион сўмлик табиий газ ва олтингугурт ишлаб чиқарилади. Вилоятга йилга ўртача 120 миллион долларлик экспорт тушуми қўшилади. Геология қидирув ишлари кенгайтирилиб, яна 100 миллиард куб метр газ за-хиралари очилади.

– Сурхондарёда жуда катта иқтисодий салоҳият, ерости ва ерусти бойликлари, мард, меҳнаткаш халқи бор. Ҳозирча бу салоҳиятнинг ярмидан ҳам фойдаланилмапти. Шароит яратиб, иш ўрни, инвестиция, экспорт ва тушумни қарра-қарра ошириш лозим, – деди давлат раҳбари.

“СУВ ТЕКИН
ЭМАС” ЛИГИНИ
ҲАММА
БИЛИШИ ШАРТ!

Мамлакатимизнинг шимолӣ ҳудудларида ўрик энди гуллаганда Сурхондарёда пишади. Бошқа жойларда ҳали қишнинг таъсири юмшаб улгурмасдан Боботоғ томонлар-да мева, сабзавот ва полиз офтобдан нур эма бошлайди. Вилоят табиий тупроқ-иқлим шароити билан эртаки маҳсу-лотларни етиштиришда биринчи ўринда туради.

Президент ташрифи давомида мазкур устунлиқдан унумли фойдаланиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бунинг учун эса, энг аввало, боғбону деҳқонларни ҳосил-дорлиги юқори уруғ ва кўчат билан таъминлаш зарур. Шу боис Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига 10 та туманда “in vitro” лабораторияларини ташкил қилиш топширилди.

Ўзбекистон замини қадимий ва бой деҳқончилик анъ-аналари, ғоят хилма-хил, мазали ва ноёб қишлоқ ҳўжали-ги маҳсулотлари билан азалдан шўхрат қозониб келади. Агротармоқ иқтисодийотидаги етакчи секторлардан би-ри бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 30 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилади.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини яна-да самарали ва ресурс тежайдиган соҳага айлан-тириш, қишлоқда аҳоли ҳаёт даражасини яхшилаш, халқимизни арзон ва барқарор нархларда хавфсиз ва витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъ-минлаш, соғлом овқатланишни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Буюк аллома Ибн Сино ўрта асрлардаёқ “Кимки узоқ ва соғлом ҳаёт кечиришни иста-са, аввало, овқатнинг сифати ва миқдорига эътибор қарат-син”, дея таъкидлагани бежиз эмас.

Шу нуқтаи назардан Сурхондарёнинг имкониятлари-дан оқилона фойдаланиш мақсадида келгуси йилда дала четларида қуриштиш ва саралаш ускуналари ҳамда 70 та ки-чик совуқчи ўрнатилиши айна муддаодир. Бундан ташка-ри, 100 минг гектарда ихчам иссиқхоналар ташкил қилиб, экспортбоб экинлар етиштирилади. Ангор, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Олтинсойда 6 та сақлаш, қуриштиш ва саралаш маркази, Термиз туманида Жанубий Корея билан бирга 50 миллион долларлик логистика хаби очилади. Шунинг-дек, Сурхондарёда озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишдаги ташиш харажатларининг 50 фоизини қоплаш тизими жорий этилади. Бунда қўшни давлатларга ташиш



харажатлари ҳам қоплаб берилади, экспорт товарлари рўйхатига қарам, пивё, қизил лавлаги, ловия, мош ҳам ки-ритилади. Бу – қўшимча 150 миллион долларлик экспорт дегани.

Ингичка толали ғўза 15 фоизгача кам сув талаб қи-лади ва эрта пишади. Демак, бундай ғўза навлари майдонни кенгайтириш, уни қайта ишлашни эса сезиларли равишда ошириш даркор. Шу мақсадда Президент мутасаддиларга молекуляр генетика ва селекция бўйича кўшма лойиҳалар, замонавий лабораториялар ташкил этиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев қайси вилоятга ташриф буюрмасин, албатта сув танқислиги муаммосига алоҳида тўхталиб ўта-ди. Сурхондарёда ҳам худди шундай бўлди. Бу бежиз эмас. Чунки вилоятдаги ерларнинг 80 фоизи насос орқали суғо-рилади. Сув таннархи икки баробар қимматга тушиши ту-файли йилга 20 миллион киловатт соат электр энергияси сарфланапти.

– “Сув текин эмас”, деган ғояни аҳолига чуқур сингди-риш, уни маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик билан бирга кундалик турмуш қоида-сига ай-лантириш лозим, – деди Президент.

Шу муносабат билан мутасаддиларга 47 та канални бетонлаш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқиш, сув йўқотилиши кўп бўлган 6 тасини таъмирлаш бўйича топши-риқ берилди.

Хулоса қилиб айтганда, озиқ-овқат таъминоти ҳар до-им кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омилларга боғлиқ бўлиб, мамлакат ривожлани-шининг асосий таркибий қисми саналган. Шу боис жами-ят ва давлат бошқарувида озиқ-овқат хавфсизлиги усту-вор вазифа бўлиб қолаверади. Аслида ҳам озиқ-овқатнинг мавжудлиги, аҳолининг уни харид қилиш қобилияти етар-лилиги барқарорлик белгисидир.

Озод РАҲАБОВ,
“XXI asr” шарҳловчиси



O'zLiDeP ФАХРИЙЛАРИ

ҚАҲРАМОН ШИФОКОР

Бу дунёда одамларга яхшилик қилиш, дардига дармон бўлмоқ катта жасорат талаб этишини ҳаммамиз биламиз. Ана шундай савобли ишлари билан танилган Раҳмон Муҳаммадиев 1977 йилда Ўзбекистонда кўз микрохирургия-сига асос солганидан кўпчилик хабардор. Шунинг учун ҳам у ўзининг тиббиёт соҳасидаги ҳалол хизмати ва қатор кашфиётлари туфайли “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий унвонига сазовор бўлган.

Денов туманида туғилиб ўсган шифокор дастлаб Афғонистоннинг Кобул шаҳрида ишлаб, 20 мингдан ортиқ беморларнинг кўз касалликларини даволаган. Нафақат шифокор сифатида ўзгалар дардига малҳам, балки ташаббускор ташкилотчи раҳбар сифатида ҳам кўплаб хайри ишларга бош-қош бўлган Раҳмон ака Денов туманида бундан сал кам қирқ йил аввал 100 ўринли туғруқхона, стоматология поликлиникаси қурилиб, ишга туширилишига кўмаги теккан. 1993 йилда эса Термиз шаҳрида 160 ўринли замонавий шифохонани қуриб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаб, вилоят кўз касалхонасини илмий марказ даражасига олиб чиқишга муваффақ бўлгани алоҳида мавзу.

Тасаввур этиш осонмас, мустақиллик йилларида пойтахтдан узоқда ишлаётган бўлса ҳам, илмий салоҳият ва янгиликлар яратиш имконияти яратилганлиги учун 268 та илмий мақола ва 23 ихтирога муаллифлик қилишга муваффақ бўлди. Айни пайтда эса қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи сифатида Сурхондарё ҳамда Самарқанддаги тиббиёт институтларида талабаларга дарс бериб, ўз тажрибаларини улашиб келмоқда.

Қаҳрамон шифокор дунёда биринчи бўлиб мурда тўқимаси аллоплант ўрнига кўйнинг юрак пардасидан кўз касалликларини даволаш учун ксенотрансплант яратган. Қолаверса, эндофтальмитлар учун монотрепанж, шох мугуз парда яраларини даволаш учун ксенокўпплама операцияларида янги усулни амалиётга татбиқ қилган. Ксенотрансплант учун контейнер, серкюралик сунъий кўз гавҳари, чекланган оптик қувватли кўзойнак, кўздаги хиралашган



гавҳарни алмаштириш учун тишсимон сунъий гавҳар, эвисцерация учун мослама, кўклам катарни учун ксенонитка, кўзойнак учун мослама, микрохирургик амалиётлар учун шпатель, қайчи ва бошқа кесувчи олмослар ихтиро қилиб, беморларнинг тез ва сифатли шифо топишига ўз хиссасини қўшган.

Илмий-амалий тажриба алмашиш учун АҚШнинг Мерси, Колумбия, Жозеф сингари клиникаларида, Лос-Анжелес, Анахейм шаҳарларида, Франция миллий офтальмология марказида, Шотландиянинг Найнвелс клиникасида, Индонезиянинг Денпассар, Австралиянинг Мельбурн ва Япониянинг Токио шаҳарларида бўлган. Жанубий Корея, Малайзия ва Ҳиндистоннинг кўз микрохирургия марказларида, Покистоннинг офтальмология институтида тажриба алмашиб келган.

Раҳмон Муҳаммадиев хайрия ишларида ҳам кўпчиликка ибрат намунасини кўрсатмоқда. Мисол учун, 2019 йил сентябрь ойда Хитой Халқ Республикасининг Хўтан регионидида саккиз кун давомида маҳаллий

офтальмологлар билан “Чегарасиз беғараз ёрдам” халқаро ташкилоти таркибида 193 нафар беморга кўз операция ўтказгани ҳақида қанча самимий эътирофлар айтилди.

Ўз соҳасининг билимдони Раҳмон Муҳаммадиевнинг кўп йиллик самарали хизматлари муносиб тақдирланган: 2001 йилда Ватанимизнинг энг юксак мукофоти – “Ўзбекистон Қаҳрамони” фахрий унвони берилган. У ҳақда кўплаб китоблар ёзилган, кўрсатувлар, фильмлар ҳам ишланган.

Камтарин, ҳокисор инсон Раҳмон Муҳаммадиев ҳозирги кунда ҳам халқимиз хизматида – Сурхондарёдаги вилоят шифохонасида офтальмология бўлими раҳбари. Ўзининг шарафли бурчини сидқидилдан адо этиш баробарида О'зЛиDePнинг Фахрийлар кенгаши аъзоси сифатида ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда.

– Мен ҳеч қачон тақдиримдан нолимайман. Чунки Аллоҳ шунча қилган машаққатли меҳнатим, кўрган қийинчиликларим эвазига ҳамиша қўлади. Аввало, элдошларимга

рахмат дейман. Нега десангиз, шуларнинг дуоларини олямпанки, шундай мартабаларга эришдим, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Раҳмон Муҳаммадиев биз билан суҳбатда. – Устозларим ўғитлари, маслаҳатларига доимо амал қилдим, ўз устимда ишладан, фақат олдинга интилишдан чекинмадим. Бугун шогирдларимга ҳам шуну ўқираман. Машаққатдан қочмаган ва доимий ҳаракатда, меҳнатда бўлган инсон барибир юксалиб бораверади.

Ўз фаолияти давомида қирқ мингга яқин мураккаб операцияларини ўтказиб, минг-минглаб одамларга ёруғ дунёни кўришдек буюк бахтга эришмоғига сабабчи бўлган Раҳмон Муҳаммадиев каби инсонлар сифимизда борлигидан ҳамиша фахрлансак арзийди.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
журналист.
Сурхондарё вилояти

ИШЧИ ГУРУҲ

ЗАРБДОРДА ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИ ҚИШГА ТАЙЁРМИ?

О'зЛиDeP Жиззах вилоят кенгаши қошида тузилган депутатлар, партия фахрийлари ва фаоллардан иборат ишчи гуруҳ аъзолари ҳамкор ташкилот вакиллари, тумандаги масъул ташкилот вакиллари билан биргаликда жойлардаги ижтимоий соҳа объек-ларининг куз-қиш мавсу-мига тайёргарлик жараё-нини ўрганишмоқда.

Халқ депутатлари Зарбдор туман кен-гашида фаолият олиб бораётган О'зЛиDeP депутатлик гуруҳи аъ-золари бошчилигидаги ишчи гуруҳ тумандаги мавжуд тиббиёт муас-сасаларининг куз-қиш мавсумига тайёргар-лик жараёнини ўрга-нишди.

Ўтган йилги ано-мал совуқлар чоғида тиббиёт масканла-рида қиш мавсумига етарлича тайёргарлик кўрилмагани сабаб-ли, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда қийинчилик ва муам-молар келиб чиққан эди, – дейди фаол де-путатларимиздан Мур-таз Гаипов. – Шу бо-ис мазкур масала йил давомида вакиллари-миз назоратида бўл-ди. Бир неча бор соҳа масъуллари ахбороти эшитилди. Халқ депу-татлари туман кенга-ши сессиясига масала киритилди. Айни пай-тда ҳам ноибларимиз

бу борада депутатлик назоратини олиб бо-ришмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмаси 92 588 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. 1 340 ўрин-ли стационар хизмати, 400 қатновга мўлжал-ланган кўп тармоқли поликлиника, Бўстон шаҳарчаси худудида-ги ҳар бири 100 қат-новга мўлжалланган 28-сонли ва Шарқ Юлдузи маҳалласи-даги 14-сонли оила-вий поликлиникалар, Истикбол, Нурафшон, Тараққиёт, Тошкесан, Оқар маҳаллалари ху-дудида жойлашган ҳар бири 50 қатновга мўл-жалланган оилавий шифокорлик пунктла-ри ҳам шулар жумла-сидандир.

Ўрганишлар даво-мида аниқланган кам-чилик ва муаммолар мутасадди ташкилот вакиллари иштиро-кида шу ернинг ўзида бартараф этилмоқда. Айримларини ҳал қи-лишнинг аниқ вақти ва масъуллари белгилан-моқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир камчилик ва муаммонинг бартараф этилиши жиддий на-зоратга олинмоқда.

Бердиёр СУЛТОНОВ,
О'зЛиDeP Зарбдор
туман кенгаши
аппарат раҳбари

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН БАШОРАТ

Йигирма йиллик қутлуғ ёшини нишонлаган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан боғлиқ хоти-раларим, кўнглимдан ўтган кечинмаларим бир дунё. Боиси, партиянинг биринчи съезидан то ҳозиргача бўлиб ўтган анжуман ё қурул-тойларининг деярли барчаси-да иштирок этдим. Партия Сиёсий Кенгашининг аъзоси, вилоят кенгаши раисининг ўринбосари сифатида барча мажлисларда ва бошқа кўплаб тадбирларда қатнаш-ганман. Икки марта шу партиядан халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдим. Қарийб ўн йил давомида халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши-даги партия депутатлар гуруҳига раҳбарлик қилдим. Қисқаси, ҳаётим ва меҳнат фаолиятимда партия муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам эслашга арзирли воқеалар жуда бисёр. Куйида шулар-дан бири ҳақида сўз юрит-моқчиман.

2003 йил 13 ноябрь... Тадбиркор-лар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўз-бекистон Либерал-демократик партия-сининг биринчи съезиди Самарқанд вилоятидан сайланган делегатлар вилоят ҳокимлигига тақлиф қилинди. Барча жамулам бўлган, ҳокимлик-нинг биринчи қаватдаги кичик мажлис-лар залига ўша вақтда вилоятимиз ҳо-кимси бўлган Шавкат Мирзиёев кириб келди.

– Ҳурматли делегатлар, – деди у киши салом-алиқдан сўнг. – Мамла-катимизда янги сиёсий куч, янги пар-тия ташкил тояптапти. 15 ноябрь кунги тузилажак партиянинг биринчи съез-ди бўлади. Самарқанддан съездга 23 киши, яъни сизлар делегат этиб сай-лангансизлар. Эртага йўлга чиқамиз. Съезд мамлакатимиз сиёсий ҳаётида янги бир саҳифа очади. Унда Тадбир-



Амрилло АҲМЕДОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали академик лицейи
директори ўринбосари, О'зЛиDeP аъзоси

корлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига асос солинади. Сизлар яхши биласизлар, мамлакатимизда тад-биркорликни ривожлантиришга муҳим эътибор берилмоқда. Тадбиркорликни кўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асо-слари яратилмоқда. Ишбилармонлик қиламан деган кишига барча йўللари очилляпти. Янги партия асосан тадбир-корлар манфаатини ҳимоя қилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин-ки, келгусида мазкур партия мамла-катдаги етакчи сиёсий кучга айланади. Шу жиҳатдан ҳам мазкур анжуманнинг аҳамияти жуда катта. Унда самарқанд-ликларнинг ўз ўрни ва хиссаси бўлиши керак. Ўйлайманки, анжуманда фаол қатнашиб, тарихий воқеанинг ишти-рокчилари бўласизлар.

Дарҳақиқат, съездга сайланган самарқандлик делегатлар орасида Шавкат Мирзиёев ҳам бор эди. Ҳоким залга нигоҳ юритаркан, иштироки-

ларнинг кўпчилигини яхши таниши-ни айтди. Билмаганларини рўйхатдан номма-ном ўқиб, улар билан танишди.

Ҳокимнинг кайфияти аъло дара-жада эканлиги дарров сезилди ва бу кўтаринчилик зумда залга кўчди.

– Тошкентга бориш, съездда ишти-рок этиш бўйича муаммо борми? – деб сўради ҳоким залда ўтирган делегат-ларга юзланиб.

– Барча масалалар ҳал бўлди, ав-тобус ташкил қилинган, барчамиз бир-галикда эртага йўлга чиқамиз, меҳ-монхонамиз аниқ, – деди ўша пайтда вилоятдаги партия ташкилий гуруҳи-нинг раҳбари бўлган Дилшод Норму-ровов.

– Саволлар, тақлифлар-чи? – сўради ҳоким яна. Делегатлар съездга кўтаринки кайфиятда боришгаётганини, ҳеч қандай муаммо йўқлигини айтиш-ди...

Залдан ҳаммамиз аъло кайфиятда чиқдик. 15 ноябрь кунги Тадбиркорлар

ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбеки-стон Либерал-демократик партияси-нинг тарихий биринчи таъсис съезида қатнашдик.

Танаффус пайтида Ўзбекистон банклар ассоциациясининг фойеида ҳокимимиз бир гуруҳ самарқандлик делегатларга қарата “Келинлар, бир суратга тушайлик, ушбу тарихий кун-лардан эсдалик бўлиб қолсин”, деди. Одатда Шавкат Миронович йиғилиш ё тадбирларда фото ёки телевидение камераларига суратга тушишни унча-лик хуш кўрмасди. Масалан, ҳоким си-фатида ўтказган тадбирларини ҳам те-левидение орқали ёритишда у кишини минбарда турганини ёки президиумда ўтирганини узоқдан бир кадр кўрсатиш билан ўтиб кетардик. Телевидение хо-димлари тили билан айтганда, “Йирик планда” намойиш қилинмасди. Биз-лар ҳам бу талабга қўниқиб қолгандик. Энг қизиғи, делегатлардан ҳеч бири-миз оғиз жуфтлаб, лекин айтишга бо-тинолмай турган бу жўяли тақлифдан суюниб, беш-олти киши дарров Шав-кат Мирзиёевнинг ёнига тўпландик. Съездга қатнашаётган фотогаф биз-ларни чақонлик билан суратга муҳр-лаган эди...

Суратга тушиб бўлган, вилоят ҳо-кимси менга қараб ҳазилом ўхшадан шундай деди:

– Қаранг-да, сиз журналистсиз, расмимиз бирор газета ёки журналда чиқиб кетмасин.

Кечга томон суратларни оларкан-ман, фотомуҳбирга буни бирор бир тахририятга бермаслигини қайта-қай-та тайинладим. Партиянинг бундан йигирма йил аввал бўлиб ўтган бирин-чи съезида олинган ўша тарихий су-рат ҳамон менинг шахсий архивимда сақланмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа, лекин залворли йиллар давомида О'зЛиDeP ҳаётида жуда кўплаб унутилмас воқе-алар содир бўлди. Партиямиз сафи янада мустаҳкамланиб, обрў-нуфузи ошиб борди, халқимизнинг ишончи ортди.

Не тонгки, ўша унутилмас дамлар, партиянинг таъсис съезди арафасида Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд за-минида бизларга қиш юракдан айтган самимий гаплари, башорати бугун ам-лий ҳақиқатга айланди!



Обиджон ҲАМИДОВ,
О'зЛиDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси,
Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

ТАРИХГА МУҲРЛАНАЁТГАН ВОҚЕЛИКЛАР

Мамлакатимизда ўтаётган бирор-бир ижтимоий-сиёсий воқеа ёки жара-ён йўқки, бунда О'зЛиDePчиларнинг ўз сўзи, ғайрат-шижоатга тўла фаолияти кўзга ташланмаган бўлса. Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдир-ган ва тарихий воқеликларга бой бўлган ушбу йилда умумхалқ муҳокама-сига қўйилган конституциявий қонун лойиҳаси, референдум жараёни ҳамда мuddатидан илгари ўтказилган президентлик сайлови жараёнларида қизғин тайёргарлик қўрилгани ва уни уюшқоқлик билан ўтказилишида партиянинг вилоят кенгаши вакиллари, жумладан, фаолларимиз фидойилик кўрсатишди, десам асло муболаға бўлмайди.

Шу ўринда ортга қайтиб, яъни йигирма йил аввалги воқеаларни ҳам бир эслаш жоиз. Масалан, 2004 йил бошида вилоят бўйича партияга аъзо бўлганлар сони 7 507 нафарни ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг ҳозирги даврига қадар бу рақам 87 096 нафарга етди. Бошланғич пар-тия ташкилотлари сони эса айтиб ўтилган даврга мос равишда 341 тадан 861 тага етган. Фаол партия аъзолари орасида электоратимизнинг асо-сий қисмини ташкил этадиган тадбиркор фермер, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ҳам йил сайин кўпайиб бораётганлиги эътиборга молик-дир. Янада қувонарли жиҳати, давлатимиз раҳбари томонидан кейинги йилларда ушбу соҳа вакиллари учун яратиб берилган шарт-шароитлар, белгиланган имтиёз ва преференциялар туфайли вилоятнинг Бухо-ро шаҳри, Ёғдудовон, Ромитан, Жондор, Шофиркон, Вобкент ва бошқа бир қатор туманларида фаолларимиз ва маҳаллий кенгаш депутатлари саъй-ҳаракати билан тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришда кутилган натижаларга эришилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги қутлуғ сана билан барча партиядошларимизни самимий қутлайман.

ОЙНА

Томошабин маданияти бизда энг оғриқли муаммолардан бирига айланган, десам айбга буюрмассиз. Айниқса, телефон деган бало чиқдию (фойдали томони ҳам кўп, инкор этиб бўлмайди), бу “маданият” яна ҳам аянчли аҳволга келди назаримда.

Кўпчилик билади, кўзи билан кўрган. Шунинг учун умумий манзарани ортиқча таърифлаш ҳам шартмас. Саҳнада қайсидир таниқли санъаткор кўшиқ ижро қилаётганда гул бергани чиқиб, эсдалик учун ёнида селфи тушиш урфга айланди. Бирини бошласа орқасидан ўнтаси эргашиб, шу ишни қилади. Катта бир саҳна гўё тўйдагидек бетартиб манзарани эслатиб юборади. Ташқаридан қараганда бу жудаям хунук кўринади. Бошқа томошабинларга эса хурматсизлик.

одамгарчилик юзасидан 2-3 дақиқа чиданг. Бир жойингиз камайиб қолмайди. Чиқишлар ёққан бўлса олқишланг. Саҳнадагиларга миннатдорликни шу йўл билан изҳор қилса бўлади-ку! Энг гўзал маданият шу аслида. Ижодкорлар қанчалик руҳланади бундан, тасаввур қилиб кўринг. Сиз учун меҳнат қилди ахир.

Театрда ҳам шундай дард бор. Юришлар тўхтамайди, кимдир ёгулик ейди, биров шериги билан гаплашади, аҳён-аҳёнда чақалоқнинг чинқираб йиғлаган овози ҳам-маёқни тутиб кетади. Булар саҳна билан томошабин ўртасидаги жонли мулоқотга тўғаноқ бўладиган манзаралардир. Қачон қутуламиз бу иллатлардан? Қачон ҳақиқий маданиятчи одамлардек томоша қиламиз? Қачон?

МАДАНИЯТЛИ ТОМОШАБИН БЎЛИШ ҚИЙИНМИ?

Биринчидан, гулни бериш вақти бор. Санъаткорнинг фикри, дастури бўлиниб қолмайдиган вақтда бериш лозим. Сельфини эса имкон топилса концертдан кейин қилган маъқул. Концертта келдингизми, телефонни ўчириб, бир-икки соатга ҳамма нарса, ташвишларни унутинг. Мазза қилиб дастурни томоша қилинг. Маънавий озуқа олинг. Асосий мақсад шу бўлиши керак.

Раҳматли Ҳожибой ака “Уэр, биз эрта бошлаб кўйдик” деб киноя қилгани ҳам бежиз эмасди. Ҳалигача шу “касаллик”дан қутулмадик. Концертми, спектаклми, бошланганига ярим соат ўтса ҳамки, у ёқдан бу ёққа юриш, жой қидириш, жой алмаштириш тўхтамайди. Баланс овозда гапириб, атрофдагиларга ҳалал берадиганлар “фаросати”нинг эса ўлчови йўқ. Жаҳлинг чиқади. Кайфиятинг бузилади. Бошқа томошабинларга ҳурматсизлик бу.

Яна бир иллат борки, бу ҳали спектакл ёки концерт тугамасдан зални тарк этиш. Бу нафақат бошқа томошабинларга, балки саҳнадаги ижодкорларга, уларнинг меҳнатига ҳурматсизлик. Дастур уқуланаётганини сезасан, тамом, “гуррр” этиб ўрнимиздан кўзғоламиз. Шошманг, ахир. Ҳеч бўлмаса

Мана шу мавзуга яқинроқ, тўғрироғи, боғлиқ бўлган яна бир масала борки, ўрни келганда айтиб ўтсам. Кўп кузатамизки, ҳафта охирида дам олиш режасини тузаётганда аксариятимиз учун “ким эрийди?”, “қаерда ўтирамиз?” дан бошқа мавзу йўқдек гўё. Дам олиш фақат еб-ичишдан иборат эмас-ку. Нима учун оилангизни олиб, бир марта бўлсин музейга бориш ҳақида ўйламайсиз? Нима учун оилавий спектаклга боришни режалаштирмайсиз? Нима учун? Чет элдан келганларга бир разм солинг. Дарров музей борми, деб сўрайди, боради, кўради. Биз четга борсак ҳам бозор-учардан ортмаймиз. Бордир, музейларга борадиганлар. Лекин кам. Нима учун шунақамиз ахир?

Буларнинг ҳаммаси тарбия, дунёқараш билан боғлиқ. Балки боғчаларда, мактабларда шу маданиятни, томошабин маданиятини ҳам жиддийроқ ўргатармиз. Ҳозирча бу сезилмаяпти. Лекин сезилиши керак. Ҳозир тарбияласак, беш-ўн йилда кўп нарса ўзгаради. Маданиятли томошабин шаклланади. Бу кўп нарсага ижобий таъсир қилади. Муомала ўзгаради. Одоб кучаяди. Хуллас, фақат фойда бўлади бундан.

Манаб: @platformauzb

Тахририятдан:

Мавзу жиддийлиги учун ушбу мақолани газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоққа чоғландик. Нега? Жуда оғриқли масалага аллақачон айланиб бўлган томошабинлик маданияти ҳақида кўп ёзилапти, гапириляпти. Лекин аҳвол ўзгармаяпти. Аксинча, бунданам баттарроқ кўринишда бошқа бир хунук таомиллар урфга кириб келяпти.

Ҳозир юртимизда тўй-томошалар мавсуми айна авж палласида. Гўёки “тўйлар мусобақаси”га старт берилгану “кимўзар” қизаяпти: ким қайси зўр артистни тўйига олиб келаркин? Ушбу мақолада тилга олинган концерт ёки театрлардаги маданиятсизлик саҳналари тўйларга кўчган. Фалон минг доллар (ҳозир кеча чиққан ҳаваскор ҳам ўзбек сўмидан гапирмайди) эвазига истаса ўнтача, истамаса, “бирров”га бориб фонограммада икки-учта кўшиқ хиргойи қилиб кетаяпти. Ана шу тўйларга машхуруроқ ёки сал танилиброқ қолган хонанда бориб қолгудек бўлса, урди Худо, оломон бўлиб суратга тушиш, селфи қилиш, бачкана қилиқларни намойиш этиш очикчасига модага айланиб кетаяпти. На куласиз, на йиғлайсиз. Биров ҳой барака топгулар, тўйга одамлар бир яйраб кетайин деб келади, бу нима аҳвол, қани тартиб сақлайлик, деб кўрсин-чи. Маломату керак бўлса калтакнинг остида қолади.

Нима қилиш керак? Маданиятли томошабин, иймони бутун муҳлис наҳотки ўтган асрлар қатида қолиб кетган бўлса? Ана шу даҳшатли савол олдида бугун ҳамма-мизнинг тилимиз айланмай қолаётгани кишини хавотирга солади. Бу ҳақда жамоатчилик назорати институтлари, маҳалла-кўй, нурунийлар, маҳаллий ҳокимликлар жиддийроқ ўйлаб куришлари зарур деб ўйлаймиз. Энди ўзбекчилик, истиҳола деган бош адоқсиз “чағара”ларни ҳам бузишга ўзимизда куч, ирода топишимиз шарт. Ушбу мавзуда ҳам яна кузатувларимиз давом этади.

ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИ

МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЯНЧИ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг отахон илм даргоҳларидан бири саналган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш учун кенг кўламда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Бизнинг факультетимиз 1935 йили филология номи остида ташкил этилган бўлиб, 1968–2016 йиллари Ўзбек тили ва адабиёти факультети сифатида фаолият олиб борган. Кафедраларимизда туркий филологиянинг машхур олимлари Олим Шарафиддинов, Мақсуд Шайхзода, Ўткир Рашид, Ғани Абдурахмонов, Мазлума Асқарова, Натан Маллаев, Саид Усмонов, Ҳамид Сулаймон, Азим Шерматов, Тўхта Бобоев меҳнат қилишган. Факультетимизда турли йилларда Ҳамид Ғулом, Шухрат, Мамарасул Бобоев, Мирмуҳсин, Шукрулло, Зулфия, Пўлат Мўмин, Восит Саъдулла, Зафар Диёр, Ҳаким Назир, Туроб Тўла, Уктам Усмонов, Хайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Низом Комил каби таниқли ёзувчи, драматург, олим ва журналистлар тахсил олишгани биз учун катта шарафдир.

2021-2022 ўқув йилида доирфунимиз таркибига ўзгартириш киритилгани сабабли факультетимиз Тиллар деб номланди. Ҳозирги кунда педагогика ва филология соҳасининг етакчи олимлари томонидан ўқув-амалиёт машғулоти олиб ўтказилмоқда. Қозон федерал ҳамда Москва давлат университетлари билан ҳамкорликда кўшма таълим дастурлари асосида бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Мамлакатимиз таълим тизими учун билимли, теран тафаккурли, юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлашда етакчилик қилиш баробарида ижтимоий-иқтисодий, илмий-педагогик ривожга ҳам ҳисса қўшиб келямиз. Айниқса, республикамиз таълим соҳаси учун зарур адабиётлар, меъёрий ҳужжатларни шакллантириш, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш, тажрибаларини оммалаштиришда таянч факультети

тет вазифасини ўтамоқдамиз.

Ўқув машғулоти инновацион таълим йўналишлари бўйича ташкил этилган бўлиб, юксак салоҳият ва билимга эга профессор ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Аудиториялар замонавий ахборот-технологиялари билан жиҳозланган. Пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари билан биргаликда 4-курс талабаларининг 4+2 форматда педагогик ва малакавий амалиёт ишлари олиб бориляпти. Кадрлар ва талаба алмашинуви бўйича хориж мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик ташкил этилган. Талабалар АҚШ, Москва, Санкт-Петербург, Қозон университетларида мобиллик асосида тахсил олишяпти. Назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида академиклар, фан докторлари, тажрибали ўқитувчилар иштирокида дарс машғулоти, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида талабалар ўртасида спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ташкил этилади. Маънавий-маърифий сабоқларда ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, инсоний қадриятларга содиқлик фазилатларини янада юксалтиришга эътибор қаратилаётган. Илм толиблари орасида Алишер Навоий, Зулфия номидаги стипендиатлар, “Нихол” ва бошқа нуфузли республика кўрик-танловлари ғолиблари кўпчилигини ташкил этади. Университетимиз билан Москва давлат университети ўртасидаги кўшма таълим асосида рус тили мутахассислиги бўйича бакалаврият таълим йўналиши ташкил этилган. Машғулотлар иштирокчилари икки томонлама ҳам диплом олиш ҳуқуқига эга. Биздаги “Ёзги таълим мактаблари”да АҚШ, Хитой, Малайзия, Вьетнам давлатлари талабалари тахсил олишяпти. Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан республикамиз мактаблари ва олий ўқув юртлири учун ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратилмоқда.

Республика илм-фан ривожига камтарона ҳиссам бориладиган беҳад мамнунман. Навоий давлат педагогика институтининг педагогика факультети декани



Шахзода АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат педагогика университети
Тиллар факультети декани, педагогика фанлари доктори, профессор

лавозимида ишлаган йилларим талабалар орасидан Алишер Навоий номидаги номдор стипендиатлар ва Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларини тайёрлашга эришдим. Фан номзодларини тайёрлаб, “Педагогика”, “Педагогика назарияси”, “История педагогика”, “История образования и педагогической мысли” каби ўн дан ортиқ дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва монографияларни яратиб, профессор илмий унвонига сазовор бўлдим.

2018–2023 йиллари Жанурий Кореянинг Сеул, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Олий иқтисод мактаби, Беларусь Фанлар академияси ва Полоцк шаҳридаги педагогика институти ва бошқа хориж университетларида тажриба оширдим. Ҳозирга қадар 40 дан зиёд педагогика фанлари номзодлари ва педагогика назарияси ва педагогика таълимотлар тарихи ихтисослигидан фалсафа докторлари (PhD) ва фан докторлари (Dcs) тайёрла-

дим. Индексланган журналларда мақолаларим чоп этилиб, Хирш индексига эга бўлдим. Шогирдларим билан ҳамкорликда юртимиз узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш, таълим натижавийлигини диагностика қилиш бўйича илмий мактаб яратишга муваффақ бўлдик.

Бугун биз, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети жамоаси илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш борасидаги ислохотлар самардорлигини ошириш, ўқув жараёнининг амалиёт билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун муҳит яратишга эътиборни янада кучайтириб бормоқдамиз. Фурсатдан фойдаланиб, ўтган давр мобайлида дорилфунимизда педагогика кадрларни тайёрлаш йўлида самарали фаолият олиб борган барча устоз ва мураббийларга миннатдорлик билдирмоқчиман.

МИННАТДОРЛИК

НАЖОТ ФАРИШТАСИ

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ОРТОПЕДИЯ МАРКАЗИ ЧАНОҚ-СОН БЎГИМИ ПАТОЛОГИЯСИ БЎЛИМИ МУДИРИ, ТРАВМАТОЛОГ-ОРТОПЕД ХОЖААХМЕД АЛПИСБАЕВГА МАКТУБ

Ҳар бир ота-она фарзандининг тўрт мучаси соғлом бўлиб дунёга келишини хоҳлайди. Аммо баъзан тақдир тақозоси, баъзида ташқи омиллар сабабли носоғлом фарзандлар ҳам дунёга келади. Сенга жажжи нигоҳлар билан термилиб, талпиниб турган, нозик жуссаси туғилибоқ дард, оғриқ билан курашиб турган дилбандинг кўзларига қараб, нақадар ожиз ва иложсизлигининг ҳис қиласан. Ва бу жуда оғир.

Жондан азиз фарзандим Шахрибону икала сон ва тизза бўғимининг туғма чиқиши касаллиги билан дунёга келди. Буни билгач, жуда оғир руҳий тушунлиқка тушдим. Ахир у бизнинг узок кутилган биринчимиз, гўзал севгимизнинг нишонаси, орзуларимиз деб-часи эди.

Бу ҳолатдан чиқишим қийин бўлди, шунинг баробарида оналар қанчалар буюк зот эканини ич-ичимдан англаб етдим. Волидамнинг менга қўрсатган ғамхўрликлари, юксак меҳр-оқибатларини қалбдан ҳис қилган ҳолда ўзимни қўлга олиш, қизалогимнинг келажаги учун астойдил курашишга қарор қилдим.

Шу тарика ўзим яшаб келаётган Қашқадарё вилоятининг туман, шаҳар миқёсидаги кўплаб тиббиёт муассасаларига мурожаат қилдим. Шифокорлар унинг касали анча жиддийлиги, даволаш йиллар давоминда, босқич-

ма-босқич амалга оширилиши, йўлланма орқали пойтахтга юборишлари, лекин натижа фақатгина вақт ва Аллоҳдан эканини таъкидлашди.

Шу тарика Республика болалар ортопедия марказига келдик. Бу марказни том маънода сўнган қалбларга умид бахш этган даргоҳ, десам муболага бўлмайди. Мана тўрт йилдирки, шу ерда муолажа олиб келямиз. Аввалига қонсиз усулда муолажа, сўнг теномиотомия ўтказилди. Чаноқ-сон гипс боғлами қўйилди. Уч ойдан сўнг ечилиб, даволаш шинасида давом этди ва бир йил мобайнида тақилди.

Минг афсуски, рентгенга туширилганида сон суякларини бошчалари бўғимда эмаллиги аниқланди. Шу тарика дилбандимга тўрт ёшдан кейин режали оператив даво тавсия қилинди. Шундай муолажалар олиш жараёнида марказнинг даволаш ишлари бўйича директор муовини, чаноқ-сон бўғими патологияси бўлими мудири, олий тоифали шифокор, травматолог-ортопед, тиббиёт фанлари номзоди Хожаахмед Алписбаев билан танишиб қолдик. Машаққатли касби ортидан туну кун тинмай, шижаот билан меҳнат қилиб келаётган бу инсон қондош қорақалпоқ халқининг фарзанди, 2006 йилдан бери ушбу муассасада ишлаб келаётган экан.

Хожаахмед оғамиз болаларда учрайдиган чаноқ-сон касалликларини даволаш, ташхис қўйиш ва реабилитация қилишда мамлакат миқёсидаги энг малакали ва тажрибали мутахассислардан бири. Сон суяги патоло-



гик қилишини ортопедик даволашни такомиллаштириш бўйича докторлик илмий ишени мустақил тасдиқлаган изланувчи. “Соғлиқни сақлаш вазирлиги аълоҳиси” кўкрак нишони соҳиби, 80 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар, 2 та методик қўлланма ва битта ихтиро муаллифи. Унинг меҳнати билан соҳадаги янги юқори технологик жарроҳлик амалиётларидан кейинги асоратлар 26,2 фоизга камайган.

Бир қарашда қаттиққўл кўринса-да, ўта хушмуомала, хушчақчақ, ўзига бўлган ишончи мустаҳкамлиги боис фарзандимнинг тузали кетиши учун бизга сўнамс умид берди. Чин маънода нажот фариштаси вазифасини ўтади. Боламга ҳомилдор бўлганимдан бошлаб олган муолажаларим, туғилгани ва то

бу ерга келгунига қадар ичган дори воситаларию, қабул қилган физиотерапия усуллари бирма-бир сўраб чиқди. Барча ташхис ва тахлилларни эринмасдан ўрганди. Сўнг операциягача ва ундан кейинги ҳолатларни ҳам тушунтириб, керакли маслаҳатларини амамади. Иш вақти тугаганидан кейин ҳам икки-уч соатлаб бўлимда қолиб кетар, ҳар бир бемор ва ота-оналар билан ҳамсуҳбат бўлиб, болажонларнинг ҳолатини кунлик мониторинг қилиб борарди.

Шу тарика жорий йилда Худойимнинг инояти билан, қолаверса, маҳоратли, қўли энгил шифокоримиз сабабчи бўлдим, қизалогим Шахрибону Гулмуродова энг зарур амалиётдан муваффақиятли ўтди. Айни пайт-

да унинг саломатлиги анча яхши. Аста-секин, босқичма-босқич тузалиб бораётганидан жудаям хурсандман. Бу мен учун энг олий бахтдир.

Она сифатида олий ниятим битта. У ҳам бўлса қизганимнинг тезроқ соғайиб, эл қорига ярайдиган фарзанд бўлиб улғайишидир. Бу йўлда эса шифокорларимиз мададкор бўлишларига ишонаман ва улардан беҳад миннатдорман.

Динора ДАВРОНОВА,
“Шўртан газ кимё” МЧЖ
тайёр маҳсулотлар ва хомашё цехи иш юритувчиси

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

СЕНИ СОҒИНИБ ЯШАЙМАН, ИЧАНҚАЛЪА!

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари томон отланган тўрт сайёҳ – мен ва аёлим, шифокор дўстим ва унинг умр йўлдошини Саразм-Жартепа чегара-назорат масканида самарқандлик қадрдонимиз Кутбиддин ака Амриддинов кутиб олди. Самарқанддан Хивагача поездда борадиган эдик. Поезд тунга яқин жўнар экан, унғача Боқий шаҳарни айланмоқчи бўлдик. Лекин марказий қисми ёпиқ экан. Россиянинг ТНТ телеканалидан келган киночилар қандайдир ҳужжатли кино олишётган экан. Янги шаҳарнинг қолган қисмлари ҳам жозибали, улкан сахнаси айланадиган амфитеатр, ям-яшил, кўркем сайилгоҳлар... Биз яна қайтиш умидида темирйўл вокзали томон йўл олдик.

Кейинги йиллардаги менинг оғрум Хива шаҳри, айниқса, Ичанқалъани кўрмоқ эди. У ҳақда кўп эшитганман, ўқиганман. Буюк Британиянинг нуфузли сайёҳлик нашри – “Wanderlust Travel Magazine” Хоразмдаги Ичанқалъа меъморий мажмуасини дунёдаги 9 та энг мухташам деворли қалъа рўйхатига киритгани бежиз эмас-да! Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Хивани кўриқхона аҳамиятидаги шаҳар, деб эълон қилиб, Ичанқалъани эса жаҳон аҳамиятидаги тарихий ёдгорлик, дея эътироф этган.

Мана, дунёнинг тўрт томонидан келган сайёҳлар қатори қалъанинг маҳобатли девори олдида турибмиз. Ичкарига қайси дарвозадан киришни танлай бошлаймиз: Богча дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза, Ота дарвоза. Бизга йлгирма йилдан кўпроқ тажрибага эга гид – Санобар исмли аёл ҳамроҳлик қилди. Тўғри, Ичанқалъани ўзингиз ҳам айланишингиз мумкин. Лекин ҳар бир минораю мадраса, хонлик тузумига боғлиқ кўҳна иншоотлар ҳақида сиз сафардан олдин ўрганган маълумотлар барибир камлик қилар экан.

Айтганча, Санобарнинг уйи айнан Ичанқалъада жойлашган экан. У ҳам кўплаб ҳамшаҳарлари каби уйда меҳмонхона очган. Ўзбекистонда сайёҳлик ва айнаи бир пайтда тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор ичанқалъалик



оилалар учун каттагина даромад топиш имконини берибди. Уй-меҳмонхоналар чўнтакбоп. Мана, улардан бирига кириб бораёламиз. Уйнинг таши ва ичи бутунлай фарқ қилади. Ичкари замонавий таъмирланган. Шинам, озода хоналарда юмшоқ диван-кроватьлар қўйилган. Бир кеча-кундуз учун 50 минг сўм тўласангиз бўлди.

2500 йиллик тарихга эга Ичанқалъа 1961 йили шаҳар музей-кўриқхонага айлантирилган экан. 1990 йилнинг декабрь ойида Марказий Осиёда биринчи бўлиб 100 та тарихий шаҳардан бири сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига киритилган. Гарчи музей-шаҳарга айлантирилган бўлса-да, бу ерда ҳамон аҳоли яшаётганини кўрдик. Лекин томувоқ уйлар аввалги кўринишини йўқотмаган, ташқи кўриниши замонавий тус олмаган, асл ҳолатида сақлаб қолинган. Ўзига хос тарихий муҳит у ёғи Европа давлатлари, Америка Қўшма Штатлари, бу ёғи Япония, Хитой, Австралия, Африка мамлакатларидан сайёҳлар оқимининг асосий келиш сабабларидан бири экан. Биз Хивада бўлган кунлар ҳам дунёнинг бешта қитъасидан келган сайёҳлар сон-саноксиз эди. Айрим обидаларни кўриш учун навбат кутиб туришга тўғри келди.

Ичанқалъада обидаларни санаб чиқиш қийин. Лекин кўплаб сайёҳлар каби мен ҳам Калтаминорни кўриш, Пахлавон Маҳмуд ва унинг устози мақбараларини, қадимий масжидни зиёрат қилиш ниятида эдим.

Калтаминорга тикилганимча унинг битмай қолиш сабаблари ҳақидаги турлича изоҳларни ўйлайман: 1855 йили Муҳаммад Аминхон Эронга юриш пайтида ўлдирилиши, иншоот битгандан сўнг ўзининг қатл этилиши ҳақида хабар топган устабошининг ғойиб бўлиши... Агар Калтаминор

битганида жаҳондаги энг баланд миноралардан бири бўлиши аниқ эди. Балки Деҳлидаги мудом атрофи сайёҳлар билан тўла Кутбминордан-да баландроқ бўй чўзармиди (аждоқларимиз қурдирган Кутбминорнинг баландлиги, агар адашмасам, 73 метрга яқин эди). 1853 йили Муҳаммад Аминхон қурдира бошлаган Калтаминорнинг диаметри эса 14 метр. Меъморчилик қоидаларига кўра бундай диаметрли миноранинг бўйи 100 метрга бориши мумкин экан. Қиёсلاш учун: Ичанқалъадаги энг баланд – 44,6 метрлик Исломуҳжа минорасининг диаметри 9,5 метрдан иборат.

Ҳа, 29 метрга етганида қурилиши тўхтаб қолган Калтаминор мисли кўрилмаган даражадаги осмонўпар иншоотга айланган бўлар эди. Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон эса “Калта Минор фарёди” фалсафий шеърида уста тимсолида ҳеч кимнинг нияти, оғруси яримлигича қолмаслигини истади.

Ичанқалъага келган киши борки, зиёратга шошилдиган жой Пахлавон Маҳмуд мақбарасидир. Лекин томирла кўра аввал унинг устози Ҳазрат Сайид Абдуллоддин мақбараси зиёрат қилинади.

Феруза рангли гумбазли мақбарага қадам кўяр экансиз, Ичанқалъага кираётганингиздаги ҳаяжон камида ўн қарра ортади. XIV асрда қурилган бу мақбарада Пахлавон Маҳмуд абадий уйкуга кетган. Дуога очилган кўллар сукунати бузмаслик учун оҳиста туширилаётган пайтда Пахлавон Маҳмуд билан унсиз сўзлаша бошлайсиз. У узок асрлар қаъридан туриб синовчан тикилади. Ота касби пўстиндўзликни давом эттирган, файласуф шоир, қураги ерга тегмаган пахлавон, маърифатпарвар инсон. Мақбара деворларига, пештоқларига шоирнинг рубойлари битилган. Бу зиёратгоҳ Хивада Ҳазрати Пахлавон пир номи билан машҳур. Кейинчалик унинг мақбараси атрофига Хоразм хонларидан Абдулғозихон, Шохниёзхон, Муҳаммад Раҳимхон I, Темурғозихон ва бошқалар ўз васиятларига кўра дафн қилинган.

Ичанқалъада соатлаб эмас, балки кунлаб томоша қилишга арзигулик обидалар, қадимий ёдгорликлар кўп. Араб Муҳаммадхон мадрасаси, Оллоқулихон мадрасаси, Кўҳна Арк, Тошхўли, минг йил олдин ўрнатилган айрим устунлари сақланиб қолган 213 устунли кўҳна жоме масжиди, эски қудуқ... қай бирини айтай!

Ўзбекистонда сайёҳлик, айниқса, чет эл туризмига эътибор кучаяр экан, Хива диққат марказида турган шаҳарлардан бирига айланибди. Замонавий темирйўл вок-

бошқа мадрасалар, Минораи калон, қадимий тимлар, арк, амир зиндони, бошқа обидалар ҳақида сўзлар экан, мен уларнинг она шаҳри – Бухорони нечоғлиқ севишлари, унинг тарихини қанчалик яхши билишларини ўйлардим. Қаерга бормайлик, икковларини ҳам яхши танишарди, илиқ-иссиқ сўрашишарди...

Бухоро обидалари билан бир-икки кун эмас, балки бир ойда ҳам муфассал танишиш мумкин эмас. Бу қадимий шаҳарда ҳатто оташпарастилик давридан қолган ёдгорлик билан бирга Бухоронинг сўнгги ҳукмдори амир Олимхон даврида қурилган обидаларгача тарихдан ҳикоя қилади. Ул ривоятларни эшитиш учун “минг бир кеча” ҳам етмайди...

КОНИГИЛ САЙРИ ВА “БОҚИЙ ШАҲАР” ЗАВҚИ

Самарқанд томон жўнадик. Бутун йўл бўйи бизни Бухорои шарифнинг етти пири кузатиб бораётгандек эди. Соҳибқирон пойтахтидаги қадимий обидаларни ҳам неча марта кўрган бўлсанг-да, яна кўргинг келаверади. Қайси бир жойга бормайлик, гуруҳ-гуруҳ бўлиб томоша қилаётган, бир-бирлари билан ҳаяжонга тўлиб таассуротларини ўртоқлашаётган чет эллик сайёҳларни кўрдик. Улуғбек мадрасаси, Шоҳи Зинда, Амир Темур мақбараси, Регистон, Бибихоним мадрасаси... ҳаммаси шу ерда.

Самарқандда неча-неча асрлардан бўён залвор тўкиб турган маҳобатли иншоотлар кўп. Айни бир пайтда сайёҳларни ўзига тортаётган янги-янги туристик объектлар ҳам пайдо бўлибди. Кутбиддин ака бизни сайёҳлар гавжум яна бир маконга бошлаб борди. Бу – янги очилган Коникил хунармандлар қишлоғи экан. Тут пўстлогидан қоғоз тайёрлаётган хунармандлар ишини кўриб, бошқа юзлаб сайёҳлар каби ҳайратга тушасиз. Кўз ўнгингизда хунармандлардан бири тут пўстлогини шилиб оляпти, иккинчиси сувда қайнатиб, хомашёни тегирмонда янчаяпти, учинчиси қуритаяпти, яна бири силлиқлаб, қоғоз тайёрлаяпти. Бу табиий қоғозга дунёнинг тўрт томонида харидорлар бор экан. “Яхшигина даромад туфайли биз ҳам тузуқкина маош оламиз”, деди хунарманд йигитлардан бири. Бизга Самарқанд қоғозининг 300-400 йилгача яхши сақланишини айтишди. Яъни бошқа қоғозларга қараганда ўн бараваргача кўп муддатга!

Хунармандлар қишлоғи сервис Сиеб бўйида жойлашган. Худди Хивадаги каби бу ерда ҳам маҳаллий услубда қурилган уйлар сақланган. Уй эгалари хунармандчилик билан шуғулланишди, сайёҳларнинг кўз ўнгига турли маҳсулотларни тайёрлаб беришди. Бир ёқда обжувозда мой олинмоқда, бир ёқда куллар сопол идишлар ясапти...

“Боқий шаҳар”ни ҳам тўла томоша қилишга муяссар бўлдик. Назаримда, бу ерга фақат қадимий Самарқандги-

лик марказига айланиб бораётганини кўрдик.

Яқиндагина Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеяси юбилей сессиясининг айнан Самарқандда ўтказилгани, Халқаро туризм академиясининг очилиши... Қайси бирини айтийин.

ҲЕЧ КИМНИНГ ОРЗУСИ ЯРИМ ҚОЛМАЁТИР

Сайёҳлар учун албатта кўриш шарт бўлган масканлар Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам қад кўтармоқда. Масалан, энди пойтахт Тошкентга келган сайёҳ сўзсиз Сузук ота мажмуаси, Адидлар хиббони, Тошкент Сити ва “Сеҳрли шаҳар”ни кўришни истади.


Оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши бўйича янги-янги маълумотларни ўқийман. Мамлакатда шу йилнинг 9 ойи давомида туризм соҳасидан олинган даромад миқдори 1,72 миллиард долларни ташкил этибди. Ўзбекистон туризм соҳаси тез суръатда ривожланаётган 20 давлат рўйхатида тўртинчи жойни эгаллабди.

Биз Ўзбекистоннинг қайси бир шаҳрида бўлмайлик, ким билан гаплашмайлик, кўрган кўзни қувонтирувчи ин-



шоотлар, кенг, раво кўчалар ҳақида сўз очилганда, буларнинг ҳаммаси кейинги уч-тўрт йилда бунёд этилганини айтишди. “Юртпарвар, халқпарвар Президентимиз омон бўлсинлар, ҳамма яхши ниятларимиз, оғруларимиз амалга ошяпти!” дейишди. Урганч ва Хивада, Бухоро ва Самарқандда, Тошкентда турли ёшдаги, турли касбадаги ўнлаб кишилардан бу сўзларни эшитганимда негадир Калтаминор ёдимга тушди. Шунда ҳеч кимнинг оғруси ярим қолмайдиган Янги Ўзбекистон ҳақида ўйладим.

Яқиндагина дунё миқёсида тан олинган нуфузли сайёҳлик эксперти “Lonely Planet” 2024 йилда “Саёҳат қилиш учун энг яхши мамлакат” ўнлигини эълон қилди. Бу рўйхат бошида Ўзбекистон турганидан беҳад қувондим. Шундай экан, кейинги йилда Ўзбекистонга келадиган юз минглаб хорижий сайёҳлар орасида мен ҳам борман.



Ўринбой УСМОН,
Тожикистон Журналистлар иттифоқи ва Ўзбекистон
Журналистлар уюшмаси
аъзоси